

10-4-2019

DESIGNING SPECIAL CLOTHES BASED ON ANTHROPOMETRIC SURVEY

S.Sh. Tashpulatov

Tashkent institute of textile and light industry, Tashkent, Uzbekistan

M.K. Rasulova

Tashkent institute of textile and light industry, Tashkent, Uzbekistan

I.V. Cherunova

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/titli>

Recommended Citation

Tashpulatov, S.Sh.; Rasulova, M.K.; and Cherunova, I.V. (2019) "DESIGNING SPECIAL CLOTHES BASED ON ANTHROPOMETRIC SURVEY," *Textile Journal of Uzbekistan*: Vol. 2 : No. 1 , Article 18.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/titli/vol2/iss1/18>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Textile Journal of Uzbekistan by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

УДК 677.025.001.76

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ, ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ
ВА НАТИЖАДОРЛИГИ****Ф.Х. Рахимов, Қ. Жуманиязов**

Аннотация: Мақолада инновацияларнинг таълим, фан ва амалиётнинг бир-бири билан узвий алоқадорлигида пайдо бўлиши асосланган. Соҳа таълим, фан ва ишлаб чиқариши интеграциялашуви шароитида муаммо, гоҳ ва инновация кетма-кетлигида интеллектуал мулк объектининг шаклланиши, тижоратлаштирилиши, самарадорлиги ва натижадорлиги юмшоқ трикотаж контейнер мисолида ёритилган.

Аннотация: В статье обоснована зарождение инноваций с взаимовоплощением образования, науки и производства. Излагается сущность формирования объекта интеллектуальной собственности в последовательности проблема, идея и инновация, коммерциализации, эффективности и результативности в условиях интеграции образования, науки и производства отрасли.

Abstract: This article describes connection of science, education and industry. The essence of the formation of the object of intellectual property in the sequence of the problem, idea and innovation, commercialization, efficiency and effectiveness in the context of integration of education, science and industry.

Калим сўзлар: интеграция, инновация, ҳамкорлик, кооперация, соҳа, ихтисослик, юмшоқ контейнер, таълим, фан, ишлаб чиқариши, апробация, лицензион шартнома.

Кириш: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий мажлисга Мурожаатномаси [1], 2018 йил мамлакатимизда “Фаол тадбиркорлик, инновацион гоҳлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилинганлиги, белгиланган энг муҳим йўналишлар ва устувор вазифалар жамиятимизни ижтимоий ва иқтисодий юксалиши йўлида фаолият кўрсатаётган барча соҳа ва ихтисосликлар мутахассислари зиммасига қатор вазифаларни юклади.

Глобаллашув, бозор иқтисодиёти шароити соҳа ва ихтисосликлар таълими, фан ва ишлаб чиқаришининг тўлақонли интеграциялашувига, шу соҳадаги муаммоларни теран англаш ва ўзаро ҳамфикрликда рационал ечимларни топиш, уларни интеллектуал мулк объектлари сифатида ҳимоялаш ҳамда инновациялар шаклланишига замин яратди. Албатта ҳар бир соҳа ёки ихтисослик ривожини ундаги мавжуд ҳолатни, камчилик ва ютуқларни чуқур англаш, тўлақонли мувофиқлаштириш, мавжуд иқтисодий потенциал ва илмий салоҳиятни юксалишларга тўғри йўналтириш туфайли янги босқичга кўтарилади, яъни айнан интеграциялашув туфайли уч компонент (таълим, фан ва ишлаб чиқариш) ҳаётий босқичларда бир бирини тўлдириб ривожланади ҳамда шу соҳа учун инновацион муҳит пайдо бўлишига замин яратилади.

Тараққиётнинг бугунги босқичи юқори малакали кадрлар тайёрлаш билан бирга илмий-тадқиқот фаолиятининг такомиллашуви, интеллектуал ва моддий ресурсларни иқтисодиётнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши, йирик илмий-амалий дастурлар, инновацион лойиҳаларнинг таълим, фан ва амалиётни бир-бири билан узвий алоқадорлигида пайдо бўлишини исботлади ва бунга қўллаб-қувватлаш мисоллар келтириш мумкин.

Таълим, фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлиги тадқиқи: Қатор академик фан ва олий таълим муассасаларида таълим, фан ва ишлаб чиқаришининг инновацион корпоратив ҳамкорлиги, интеграциялашув ва инновацион муҳитнинг шаклланиши ҳамда унинг ўзига хосликларини дастлабки илмий тадқиқотларимизда ёритганмиз [4-8].

Масалан, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти 2010 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантириш тўғрисида”ги ПҚ-916-сон қарори асосида “Инновация ва интеграция илмий тадқиқотлар маркази”, яъни замонавий ёндашувдаги барча кафедралар профессор-ўқитувчилари, изланувчилари, мустақил тадқиқотчилари ҳамда ёш олимлари илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштирувчи ягона тузилма фаолиятини йўлга қўйган. Марказ Низомига кўра бюджет ва бюджетдан ташқари молиявий маблағлар салмоғи ва иш кўламига мос тарзда ҳар йил бошида унинг штат бирлиги (марказ директори, директор ўринбосари, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, илмий-тадқиқотлар интеграцияси, инновациялар ва технологиялар трансфери, патент ахборот, режалаштириш ва бухгалтерия каби секторларга масъул бош, етакчи, катта илмий ходимлар, етакчи иқтисодчи, ҳисобчи ва муҳандислар) иш режаси, иш берувчи, яъни ректор томонидан тасдиқланади. Ҳар бир мутахассислик кафедрасида инновацион гуруҳлар ташкил этилган. Инновацион гуруҳларда эса таълим, фан ва ишлаб чиқариш мутахассисларининг интеграциялашуви асосида ўзаро тажриба алмашиш тизими ишламоқда. Мутахассислик кафедраларида ҳар йили қайта янгиланиб турувчи “Соҳа корхона ва ташиқлотлари (фан ва таълим муассасалари, ишлаб чиқариш корхоналари ва ҳ.к.) маълумот банки”, улар ҳар бирининг “Илмий-техник муаммоларининг ягона ахборот базаси” шакллантирилган. Илмий-амалий анжуманлар, илмий-семинарлар, кооператив ҳамкорлик семинарлари, таҳлил, экспертиза, саралаш жараёнларида “Намунавий мавзулар рўйхати” (курс иши, битирув малакавий иш (БМИ), магистрлик диссертацияси (МД), докторлик диссертациялари (ДД), хўжалик шартномаси (Х/Ш), грант лойиҳалари) шакллантирилиши ва аниқ мақсадли мавзуларнинг ўқув, ўқув-илмий жараёнлар билан уйғунлашуви борасида ишлар олиб борилади.

Институт таълим, фан ва ишлаб чиқариш корпоратив ҳамкорлиги доирасида соҳа ва ихтисосликга мос уюшма ва компаниялар, 100 дан ортиқ ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлик алоқаларига эга. Шунинг билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сонли қарорининг 8-бандига асосланиб Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг “Полимерлар кимёси ва физикаси илмий тадқиқот институти”, “Иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти”, “Тармоқ машинасозлиги муаммолари илмий тадқиқот маркази” ва “Фан ва тараққиёт” ДУК, “Рахтасаноат ilmiy markazi” акциядорлик жамияти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Сифат” маркази, “Ўзбекистон табиий толалар илмий тадқиқот институти” ҳамда “Ўзбекистон Ипакчилик илмий тадқиқот институти”, Ўзбекистон республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги “Санитария, гигиена ва касбий касалликлар илмий-тадқиқот институти” каби фан муассасалари билан ҳамкорликда “Ўқув-илмий комплекс” тузган ва тизимли илмий ишларни олиб бормоқда. Ушбу ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари олий таълим муассасасидаги соҳа ва ихтисосликлараро ички интеграциялашувни таъминлаган.

Бугунги глобаллашув жараёнида Италия, Франция, Англия, Швеция, Япония, Корея Республикаси, Россия Федерацияси, Хитой университетлари ҳамда бир қатор нуфузли компаниялари билан ташқи алоқаларнинг ўрнатилганлиги ташқи интеграциялашувни ҳам таъминламоқда.

Институт қошидаги сертификация ўқув-илмий лабораторияси, мутахассислик кафедралари ўқув-илмий лабораторияларидаги замонавий жиҳозлар фикримизнинг далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошида тўқимачилик ўқув-амалий Технопаркини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2759-сонли, 2017 йил 14 декабрдаги

“Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [2, 3], худудларда пахта – тўқимачилик кластерини яратиш чора-тадбирлари тўғрисидаги, пахтасаноати, ипакчилик ҳамда матбаа саноатлари ривожини билан боғлиқ қатор қарорлари ички ва ташқи интеграциялашувни таъминлаш билан бирга соҳа ва ихтисосликлар мутахассислари зиммасига тизимли ишлар олиб боришни юклади.

Интеллектуал мулк объектнинг шаклланиши, тижоратлаштирилиши, самарадорлиги ва натижадорлиги: Институт олимлари сўнги уч йилда олган интеллектуал мулк объектлари салмоғи куйидагича: ихтиро – 19 та, фойдали модел – 50 та, саноат намунаси – 10 та, ЭХМ дастури – 4 та ва лицензион шартнома – 2 та.

Айни дамда шаклланиб бораётган инновацион муҳитда муаммо, ғоя, яратилган ва химояланган интеллектуал мулк объекти, унинг тижоратлаштирилиши, самарадорлиги ва натижадорлиги борасида фикр-мулоҳаза юритишни соҳалараро кооперация туфайли тобора юксалиб, инновация даражасига кўтарилган ишланма мисолида келтиришни жоиз топдик.

Сўнги йилларда кўплаб хорижий истеъмолчилар ўзбек толасининг аъло сифат кўрсаткичлари билан бир қаторда ўраш материаллари сифати ва пахта толаси тойлари ташқи кўринишининг қониқарсизлигини кўрсатиб ўтганлар, айнан шу билан боғлиқ муаммо ўзбек пахта толаси истеъмолчиларининг кўплаб рекламациялари пахта толаси тойларини ўрашнинг эски тизимини такомиллаштириш масаласини кун тартибига қўйди. Пахта тойини ўраш учун ишлатилган нотўқима материал бевосита бешта қисмдан ташкил топган: “асосий шаль” узунлиги – 184 ± 2 см, эни 112 ± 2 см; “подушка” – узунлиги - 112 ± 2 см, эни - 75 ± 2 см; иккита “головка” - узунлиги - 74 ± 2 см, эни - 62 ± 2 см; тойнинг кесилган синов намунасини олиш жойини ямаш учун “латки” - узунлиги - 30 ± 2 см, эни - 40 ± 2 см, келтирилган асосий қисмлар, жумладан синов намунаси олингандан кейин “латки” қисми ҳам қўлда махсус ип билан ўзаро бир-бирига тикиб бириктирилган.

Пахта толаси тойларини ўрашнинг келтирилган тизими моҳияти таҳлили кўрсатишича, унинг барча босқичларида бевосита ёки билвосита ўровчи материал, яъни беш қисмдан иборат нотўқима мато бўлаклари ташқи якуний маҳсулот кўринишининг амалий бузилишини содир этиши аниқланди. Ушбу тизим пахта толаси тойларининг замонавий кўриниши, транспортировкаси ва узоқ муддатли сақланишида ташқи кўркемлиги, тола сифатининг тўла сақланишига ножиоз деб топилди. Эски ўраш тизими пахта толаси тойларини ўровчи материалнинг яхлитлигини таъминламаслиги, металл симларнинг коррозияланиши туфайли толага занг уриши, транспортировка жараёнида уларнинг ишқаланишидан учкун чиқиш эҳтимоли каби импортёрларнинг турли рекламацияларига сабаб бўлаётганлиги маълум бўлди.

Муаммога йўналтирилган дастлабки тадқиқотлар институтнинг “Тўқима матолари технологияси” кафедрасининг лабораториясида, кейинги босқичда эса ҚК МЧЖ «Amin Invest International» (Жомбой) корхонаси ишлаб чиқариш шароитида олиб борилди.

Пахта толаси тойларини ўраш борасида “Paxtasanoat ilmiy markazi” АЖ мутахассислари билан ҳамкорликда амалга оширилган тадбирлар, чет эл тизимининг моҳиятини атрафлича тадқиқ этилиши, анча кам меҳнат талаб, камхарж, сифатли, пахта толаси тойи ташқи кўринишининг яхшиланишини таъминловчи замонавий ўраш материални яратилишига ва ўрнатилган тартибда патентланишига замин яратди [9].

2012 йилда Каттакўрғон пахта тозалаш корхонасида пахта толаси тойларини ўрашда турли юмшоқ контейнерлардан фойдаланиш имкониятларини тадқиқ этиш борасидаги тажриба синов ишлари олиб борилди. Бунда пахта толаси тойларини боғлашда металл симлардан, ўровчи материал сифатида эса “Акбар Али” (Анджон) компаниясида тайёрланган тўқима (бўз), ҚК МЧЖ «Amin Invest International» (Жомбой) корхонасида тайёрлаган трикотаж юмшоқ контейнерларидан фойдаланилди.

Худди юқоридаги каби тажриба синов ишлари Хитой халқ республикаси мутахассислари иштироки билан ҳам ўтказилди. Бунда металл симлар ва қиёслаш

мақсадида улар ўрнига Хитой Халқ республикасининг “Нантон Юфэн” компаниясининг полиэстр (ПЭТ) ленталари, шунингдек ушбу компаниянинг полиэтилен (ПЭ), “Акбар Али” (Андижон) компаниясида тайёрланган тўқима (бўз), МЧЖ ҚК “Амина Интернейшнл” (Жомбой) нинг трикотаж контейнерларидан фойдаланилди.

Юқоридаги тадқиқотларда ПЭТ ленталарнинг афзаллиги, юмшоқ ПЭ ва трикотаж контейнерларнинг тўқима (бўз) қопларга нисбатан бир қадар устунликлари аниқланди. Тўқима контейнерлар кам чўзилувчан ва деформацион хусусиятлари чекланган тўқима матодан катта меҳнат сарфи билан бичиш ва тикиш жараёнлари асосида олинади. Тўқима матони тўқиш иш унумдорлиги трикотаж ишлаб чиқаришга нисбатан 4-5 барабар камдир. Енгсимон конструкцияга эришиш учун бичилган ясси тўқима ёнини тикиш талаб этилади. Трикотажда эса чоксиз енгсимон мато конструкцияси барча айлана трикотаж машиналарда бирваракайига эришилади. Трикотаж усулининг афзалликларидан келиб чиқиб, пахта толаси тойини ўровчи нисбатан камхарж, сифатли, пахта толаси тойи ташқи кўринишининг яхшиланишини таъминловчи, пахта тойи ўлчамларига мос, тегишли деформацион хусусиятларга эга замонавий трикотаж контейнер яратилди [10, 11].

2014-2016 йилларда юмшоқ трикотаж контейнерларни олиш технологик регламенти яратилди, ундан ҚК МЧЖ “Amin Invest International”, МЧЖ “Пахтасаноат тўқимачи”, МЧЖ “ARGE FASHION”, МЧЖ “NUKUS TEXTILE” корхоналарида ишлаб чиқариш шароитида фойдаланилди ва маҳсулот ишлаб чиқариш партиялари олинди. Серияли ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида МЧЖ “NUKUS TEXTILE” (SFP 2/2015 9.06.2015 й.) ва ҚК МЧЖ “Amin Invest International” (SFP1/2016 02.03.2016 й.) билан лицензион шартномалар имзоланди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан рўйхатдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг давлат стандарти томонидан 2014 йил 17-декабрда тасдиқлаган **О'zDSt 2867:2014 сонли** “Пахта маҳсулоти тойларини ўраш учун айланма ўрилган юмшоқ контейнерлар. Техникавий шарт” кучга кирди ҳамда пахта толаси тойларини ўраш билан боғлиқ барча меъёрий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилди.

Бир қатор пахта тозалаш заводларида пахта маҳсулотлари тойларини ўрашнинг чет эл тизимига ўтилиши туфайли техника-технология янгиланди. Қатор модернизация ишлари амалга оширилди ва пахта саноатида юмшоқ контейнерлардан кенг фойдаланиш бошланди. Мазкур янгиланишлар, “Пахта толаси тойини ўраш тизимини такомиллаштириш” билан боғлиқ олиб борилган барча илмий-тадқиқот ишлари натижаларидан ўқув жараёнларида фойдаланиш мақсадли деб топилди ва ушбу материаллар мутахассислик билан боғлиқ “Пахтани дастлабки ишлаш технологияси ва жиҳозлари” янги дарслигига киритилди.

Пахта толаси тойлари ўровчи юмшоқ трикотаж контейнерларнинг дастлабки апробацияси Каттакўрган ва Чиноз пахта тозалаш заводларида ўтказилган бўлса, кейинчалик Бухоро вилоятидаги Пешку, Рометан, Шофиркон (учта завод учун бир йиллик амалий иқтисодий самара 27180 минг сўм) ҳамда Хоразм вилоятининг Янгиариқ пахта тозалаш заводига тола ва линт тойларини ўрашда иқтисодий самара билан кенг жорий этилди. Янги маҳсулотни Республика бўйича жорий этишнинг бир пахта мавсумида кутилаётган иқтисодий самараси 4,5 млрд. сўмни, металл белбоғлар ўрнига ПЭТ ленталар, шунингдек полиэтилен ёки трикотаж юмшоқ контейнерларга ўтилганда эса 15,0 млрд. сўмни ташкил этиши ишлаб чиқариш мутахассислари томонидан асосланди. Юқоридаги барча илмий ва амалий изланишлар ўзбек пахта толаси тойларининг ташқи кўринишини тубдан яхшилашга ва муаммонинг ечими бўлмиш ғояни ҳам ички ва ҳам ташқи бозорда ўз ўрнини топиб инновация даражасига кўтарилишига асос бўлди.

Хулоса: Демак ҳар бир соҳа ёки ихтисослик бўйича таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви билан ихтисослик кўникма ва малакасига, чуқур фундаментал билимларига эга маънавий соғлом шахслар камол топади, муаммолар теран англонади, ўзаро ҳамфикрликда рационал ечим топилади ва инновацияларга замин

яратилади. Таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўзаро узвий бирлигидаги ҳаётий босқичларда инновацион муҳит ва интеллектуал мулк объектлари шаклланади, ҳимояланади ҳамда жорий этилиб, натижадорлиги таъминланади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий мажлисга Мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошида тўқимачилик ўқув-амалий Технопаркини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2759 сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5285-сонли фармони.
4. Рахимов Ф.Х., Дусмухамедова М.Х. Таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўзаро инновацион ҳамкорлиги ривожланишининг гаровидир. Замонавий таълим. 2015 й. №10, 12-19 бетлар.
5. Усмонов Б.Ш., Рахимов Ф.Х. Таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўзаро инновацион ҳамкорлиги ривожланишининг гаровидир. Тошкент: Таълим, фан ва инновация. 3/2015 й., 6-9 бетлар.
6. Усмонов Б.Ш., Рахимов Ф.Х., Дусмухамедова М.Х. Таълим, фан ва ишлаб чиқариш инновацион корпоратив ҳамкорлиги янги босқичда. Тошкент: Таълим, фан ва инновация. №1, 2016 й., 6-9 бетлар.
7. Рахимов Ф.Х., Усмонов Б.Ш., Гуламов А.Э., Дусмухамедова М.Х. Олий таълим муассасасида интеграция ва инновацион муҳитни шакллантиришга ёндашув. Тўқимачилик муаммолари. Т.: 2017. - №1, 4-10 бетлар.
8. Усмонов Б.Ш., Рахимов Ф.Х., Дусмухамедова М.Х. Таълим, фан, ишлаб чиқариш интеграцияси ва инновацион ҳамкорлик. Илмий-услубий қўлланма. Т., “Adabiyot uchqunlari” нашриёти, 2017 й.
9. Фойдали моделга патент №FAP№00784, Пахта маҳсулоти тойлари учун қоп. Жуманиязов К.Ж., Рахимов Ф.Х. ва бошқ. 31.01.2013 г. бюл. №1.
10. Рахимов Ф.Х., Шин И.Г., Каримов К.Ш., Гуляев Р.А. Расчетно – экспериментальный метод определения размеров вязаных рукавных упаковочных оболочек. Под руководством К.Ж.Жуманиязова // Проблемы текстиля. Т.: 2013. - №4, – С. 56-59.
11. Рахимов Ф.Х., Гуляев Р.А., Каримов К.Ш., Шин И.Г. Совершенствование системы упаковки кип хлопковой продукции Узбекистана // ДАН, Т.: 2014. - №6, – С. 33-38.